

# Д.И.Менделеев номидаги РКТУ Тошкент филиали талабаси “Uzbekistan GTL” стипендияси соҳибаси бўлди

// 24.01.2024

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/d-i-mendeleev-nomidagi-rktu-toshkent-filiali-talabasi-uzbeki>



23-январ куни “Uzbekistan GTL” стипендия дастури гўлибларини тақдирлаш маросими бўлди. Аҳамиятлиси, Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технологиялари университети Тошкент филиали З-босқич талабаси Дурдона Мухторхўжаева “Технологиялар” йўналиши бўйича “Uzbekistan GTL”стипендияси соҳибаси бўлди.



Университетнинг 3-босқич талабаси Зуҳра Маҳкамова, 4-босқич талабалари Алия Тагаева ва Муҳаммад Акромовларнинг танловдаги фаол иштироғи алоҳида эътироф этилди.  
Уларга "Uzbekistan GTL" заводида амалиёт ўташ имконияти берилади.



"Ўзкимёсаноат" АЖ Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технологиялари университети Тошкент филиали талабаларини ушбу муваффақият билан табриклайди ва келгуси ишларига улкан зафарлар тилайди.



